

Хатна муносабати билан зиёфат уюштириш саҳобалардан собит бўлган амалдир



18:07 / 18.01.2020 2632

أَنْتِ أَرْدَقُ لَفٍ. أَشْبَكَ أَنْ يَلْعَحَبَ دَفْ أَمْ يَغْنَو، أَنْ أَرْمَعُ نُبَا يَنْ نَخ: لَأَقْرِمَ لَأَسْ نَع
يُ رَاخُ بِلْ هَاوَر. أَشْبَكَ أَنْ عَحْبُذَنْ أَنْ أَيُّ بَصَلَا لَعَهَبُ لُذْجَنْ لْ أَنْ إَو

Солимдан ривоят қилинади:

«Ибн Умар мени ва Нуъаймни хатна қилдирди. У биз учун қўчқор сўйди. Биз болалар орасида ўзимиз учун қўчқор сўйилганидан мақтаниб юрар эдик».

Бухорий ривоят қилган.

Демак, хатна муносабати билан жонлиқ сўйиб, зиёфат уюштириш саҳобалардан собит бўлган амал экан.

Солим – Абдуллоҳ ибн Умарнинг ўғиллари. Нуъайм – Абдуллоҳнинг укаси. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига оғишмай амал қиладиган олим саҳоба бўлганлар. У кишининг қилган ишлари ҳам далил ва ҳужжат бўлганлиги учун имом Бухорий ушбу ривоятни зикр қилганлар.

Арабларда Исломдан аввал ҳам хатна қилдиришнинг қадри бўлган. Ислом дини эса бу ишни тасдиқлаган.

نَمُّ نَهْلٍ وَعَدَنٍ أَلَا: شَيْءٌ لِّلَّيْقِفِ، نَشْءٌ شَيْءٌ عِيْحَاتٍ نَبَّ نَأْ: مَمَّقَلَعٍ مُنْ عَن
تَبَّيْبِ لِي فُ شَيْءٌ عَمَّ تَمَّ مَفَّ. نُهُاتُ أَفِي دَعِي لِي تَلَسْرَأْف. يَلَبُّ: تَلَأَقُ؟ نَهِي هَلِي
نَأَطِي شُ، فُأُ: تَلَأَقُ فِ - رِي تَكِرِعَش اذَن اَكُو - أَبِرَطُ هَسْ أُرُ كُرْحِي وَيِي نَعَتِي هُ تَأْرَفُ
يَقِي هُ يَبَّ لَأُو بَدَأَلِ لِي فُ ي رَأْحُ بَلْ لَأُو هُ أَوْرُ. هُوُجْحُ أُ، هُوُجْحُ أُ

Умму Алқамадан ривоят қилинади:

«Оишанинг акасининг қизлари хатна қилинди. Шунда Оишага:

«Уларни овутишга бирор кишини чақирайликми?» – дейилди.

«Шундай!» – деди.

Бас, Адийга одам юборди. У аларнинг ҳузурига келди. Оиша уйдан ўтди ва унинг ҳузур ила бошини қимирлатиб, қўшиқ айтаётганини кўрди. Унинг сочи қалин эди. Бас, у:

«Уфф! Шайтон! Буни чиқаринглар! Буни чиқаринглар!» – деди».

Бухорий «Адаб»да ва Байҳақий ривоят қилганлар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо хатна чоғида кўнгилхушлик қилишга рози бўлганликлари учун Адий деган одамни чақириб келишибди. У кишининг кўнгилхушлик қилиш учун қўшиқ айтиб, ўзининг қўшиғига берилиб, бошини чайқатиб турганини Оиша онамиз розияллоҳу анҳо кўриб қолибдилар. У кишининг чиройли, катта сочи бор экан. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо «Уфф, бу шайтон-ку, уни чиқаринглар», – дебдилар.

Аёлларнинг ўртасида чиройли бир эркак кишининг қўшиқ айтаётгани онамизга ёқмабди. Ҳолбуки, умумий тарзда унинг келишига розилик берган эканлар.

Демак, юқоридаги каби маросимларда кўнгилхушлик қилишга умумий рухсат бор, бироқ эркак-аёлларнинг аралашishi ман қилинган экан.

Бу борада уламоларимиз қуйидагиларни айтадилар:

«Барча кўнгилхушлик қилиш ҳам ҳаром эмас. Фисқу фасод аралашган кўнгилхушлик қилиш ҳаромдир. Тўғри ният ила қилинган кўнгилхушлик қилишга шариатда рухсат берилгандир. Аёли билан кўнгилхушлик қилишга ўхшаш».

وَأَسْرَعُ أَوْلَاقٍ نِإْفٍ؟ أَدَهْ أَمْ: لَاقٍ دَوَّأَتْ وَصَعَمَسَ إِذْ نَاكَ تَرْمَعٌ نَأً: نِيْرِيْسَ نَبْلَانَعُ
يَقِيْقَهْ يَبْلَأُ هَاوْرَ: تَمَصُّ نَاتَخُ

Ибн Сийрийндан ривоят қилинади:

«Умар розияллоҳу анҳу қачон овоз ёки дуфф (доира)ни эшитса: «Бу нима?!» – дер эди. Агар «Келин тушди» ёки «Хатна», дейишса, индамас эди».

Байҳақий ривоят қилган.

Агар бу иш шариатда рухсати бор иш бўлмаганида, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу сукут сақламас эдилар.

«Бахтиёр оила» китобидан